

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

10 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатларининг АИГ компанияси бошқаруви раиси Морис Гринбергни қабул қилди.

Сухбатда дунёга таникли АИГ компанияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ва юртимизда ўз ваколатхонасини очиш ҳамда қўшма суғурта компанияси ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Бу компания билан ҳамкорлик республикамизга келатган хорижий ишбилармонларга ўз сармояларини суғурта қилишда катта имкониятлар яратиши таъкидланди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ҳ. Султонов, Б. Ҳамидов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎЗА)

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

9 сентябрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида истеъмолат бозорини ҳалқ истеъмолат моллари билан тўлдириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси 24 июнда қабул қилган қарорнинг бажарилишини назорат қилувчи ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлиси комиссия раиси, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Комиссия Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётгани, истеъмолат бозорини мол билан тўлдириш ҳамда аҳолига савдо хизматини яхшилаш борасида қандай амалий ишлар

қилинаётгани тўғрисида шу вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари А. Соатов, А. Раҳматов ва К. Аҳмедовнинг ҳисоботини тинглади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ҳалқ истеъмолат моллари билан таъминлаш бўйича ўзлари белгиланган ҳажмдаги ишни бажармагани учун бу ҳокимликлар фаолияти кескин танқид қилинди. Вилоятлар раҳбарлари илгаридегидек таъминот билан боғлиқ қийинчиликларни республика идоралари фаолиятидаги нуқсонлар билан изоҳлашни афзал кўриши таъкидланди, уларнинг айни пайтда зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва молларни қидириб топиш ҳамда уларни ички ресурслар ва

маҳаллий ташкилотлар ихтиёрида қолдирилган режадан ошқиб маҳсулотларга айирбўш қилиш иши билан ҳаддан ташқари қониқарсиз шуғулланмаётгани қайд этилди.

Комиссия мазкур вилоятлар ҳокимликларидан бундай сусткашликка чек қўйишни талаб қилди ва уларни ўз олдига қўйилган вазифани бажаришни истамаган ёки бажариш қўлидан келмаган раҳбарларга нисбатан вазифадан бўшатилганга қадар кескин чоралар кўрилиши ҳусусида оғоҳлантирди.

Комиссия мажлисида ноҳусу ҳодисаларнинг олдини олиш, савдо тармоқлари ва деҳқон бозорларида

тартиб ўрнатилган юзасидан ҳуқуқ-тартибот органлари ва прокуратура амалга ошираётган ишлар маъқулланди. Бу ҳусусда ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари К. Бурхонов ва республика бош прокурорининг биринчи ўринбосари С. Мирсафоев ахборот бердилар.

Мажлисида, шунингдек "Ўзбексавдо" давлат уюшмаси раиси З. Файзиев, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари вазифини бажарувчи А. Одилов, "Ўзулгўржи-биржасавдо" раиси Ю. Шароновнинг ҳисоботлари ҳам тингланди.

Комиссия муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М. Усмонов, Ҳ. Султонов иштирок этди.

(ЎЗА)

«Ҳосил — 94»

ТЕЗКОР ГУРУҲ ХАБАР БЕРАДИ

Тел: 33-40-48, 33-70-10

«Ҳосил — 94»

- Ҳамма ерда пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди.
- Қўл теримини пухта ташкил этинг ва янада кучайтиринг.
- Одамларни йиғим-теримга тўла сафарбар этайлик. Уларга унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берайлик.
- Далаларда дефолиацияни қисқа муддатларда сифатли тугаллайлик. Машина теримига пухта ҳозирлик кўрайлик.
- Моддий манфаатдорликни оширишга алоҳида эътибор қаратайлик.



Узоғи билан — 25 октябргача

ШУ КУНЛАРДА ҳамма жойда бўлгани каби бизнинг ҳўжалигимизда ҳам пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Ўз ўрнини пахтазорда деб билган уй бекалари, пенсионерлар ва меҳнат фахрийлари жамоамиз аъзолари билан бир сафда туриб, ялти хирмонга баҳоли-қудрат барака киритмоқдалар. Хашарчилар сони ортиб бораётгани сайин кунлик пахта тайёрлаш суръати ҳам тобора кўтарилмоқда. Ҳозир бир кунда йиллик режанинг 5-5,5 фоизига етказиб, пахта тайёрлашга эришяпмиз. Бу борада Деҳқонбой Икромов, Абдурахмон Туронов ва Темиралӣ Каримовлар етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари алоҳида, фаоллик кўрсатишяпти. Теримчилар ўртасида меҳнат баҳси намунали ташкил этилган бўлиб, у ҳар беш кунда ақунланиб борилмоқда. Яхши кўрсаткичга эришганлар муносиб тақдирланишяпти. Терилатган бир килограмм пахта учун 50 тийиндан ҳақ тўлаяпмиз. Пул тўғридан-тўғри пахтазорга элтиб тарқатилмоқда. Уларнинг чевар теримчи эканликларини кўрсатаётган Фарида Алиқуллова, Қурбонгул Маърупова, Санобар Асраева ҳамда Карима Боймоқовалар пахта йиғим-терими бошлангандан буён илгорликни қўлдан бермай келишяпти. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 1,5-2 тоннага етказиб пахта териб қўйдилар. Айни вақтда қўл теримига эътиборни сусайтирмаган ҳолда, машина теримига ҳам пухта ҳозирлик кўраймиз. Ҳамма пайкалларни тўлиқ дефолиациядан чиқариб бўлди. Эгитларнинг бош за қўйи қисмлари агрегатларнинг бемаълум ҳаракат қила олиши учун мослаштириб қўйилди. Бу йил механизаторларимиздан умдимиз катта. Уйлажак 1750 тонналик пахта хирмонининг 60 фоизини машиналар ердамида бўнад этмоқчимиз. Мақсадимиз узоғи билан 25 октябргача йиллик режани бажаришдир.

Х. АҚРОМОВ,
Пискент туманидаги "Қирқизобод" жамоа ҳўжалиги бошқарувининг раиси.

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

ЎТГАН КУНИ худудимиздаги "Истикбол" биламиз. Шу боис йиғим-теримдан олдин йиғиндаги ҳар бир ходимга ҳўжаликдаги участкалар бикритилиб, онлардаги маълум сабабларга кўра ишламаётган, меҳнатга яроқли кишиларни далага жалб этиш билан шугулланяпмиз. Улар бажонидил пахта теришга кўмаклашиш истагини билдирмоқдалар. Ҳозиргача "Жанабой", "Тартули", "Чолдор", "Эйваалак", "Галаботир", "Қумарик" участкаларидан 100 нафардан кўпроқ киши далага жалб этилди. 3—4 кунлик ташкилий ишлардан сўнг ўзимизнинг ўрнимиз ҳам далада бўлади.

Маълумки, ислохотлар туфайли илгариги кишлоқ кенгашлари ўрнида фукарлар йиғини фаолият кўрсата бошлади. Бу йиғиннинг ходимлари кўп эмас. Хусусан, бизда 4 нафар киши ишлайди. Озчилик бўлсак ҳам мавсумда вазирамиз ўта масъулиятли эканлигини

биланамиз. Шу боис йиғим-теримдан олдин йиғиндаги ҳар бир ходимга ҳўжаликдаги участкалар бикритилиб, онлардаги маълум сабабларга кўра ишламаётган, меҳнатга яроқли кишиларни далага жалб этиш билан шугулланяпмиз. Улар бажонидил пахта теришга кўмаклашиш истагини билдирмоқдалар. Ҳозиргача "Жанабой", "Тартули", "Чолдор", "Эйваалак", "Галаботир", "Қумарик" участкаларидан 100 нафардан кўпроқ киши далага жалб этилди. 3—4 кунлик ташкилий ишлардан сўнг ўзимизнинг ўрнимиз ҳам далада бўлади.

Мусахон МАМАТКУЛОВ,
Ўртачирчиқ туманидаги "Дўстлик" фукарлар йиғинининг раиси.

ЎҚУВЧИЛАР ТАШАББУС БИЛАН ЧИҚДИЛАР

БҲКА туманидаги "Туркистон" жамоа ҳўжалиги худудига жойлашган И. Алтинсарин номли ўрта мактаб ўқувчилари пахта йиғим-теримига фаол қатнашиш ташаббуси билан чиқдилар. "Ҳаммамиз деҳқон фарзандларимиз, кишлоқда яшаймиз, — дейилади, жумладан, қабул қилинган мурожаатномада, — Ҳар биримиз истиқомат қилаётган оиладан ҳозир кам деганда уч-тўрт нафар киши далага чиқиб, пахта термоқда. Шундай пайтда ота-оналаримиз, ака-опаларимизнинг ёнларига кириб, уларга кўмаклашмоқлик қалб амридир. Шу боис ҳаммамиз далага отланамиз, туманимизнинг пахта хирмониға ўзимизнинг муносиб улушимизни қўшамиз".

Мана шундай қарорга келган 87 нафар юқори синф ўқувчилари ўша куниниқ жамоанинг Сунат

Шодиев бошчилик қилаётган бригадаси пахтазорларига чиқиб бордилар. Ҳамма теримга киришиб кетди. Бугунги кунда Улуғой Нишонов, Гули Омонова, Гулбаҳор Абдумўминова сингари ешлар ҳар куни 70-80 килограммдан пахта териб тўкишяпти.

— Ўқувчиларимиз ҳақиқатан ҳам катта иш-тиёқ билан меҳнат қилишяпти, — дейди мактаб директори Қуролбой Жентоев, — улар мавсумда 80 тонналик пахта хирмони уйишни мўлжаллашмоқда...

Ташаббуснинг қаноти бўлади. Ешларнинг бу ватанпарварлик ҳаракатлари тумандаги бошқа мактаб ўқувчилари томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда.

И. ТОШЕВ.

РАҲМАТ, ЎРТАСАРОЙ ҚИЗЛАРИ!

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги "Ўртасарой" жамоа ҳўжалигининг Раҳмат Айдарқулов бошлиқ бригадасида бу йил 90 гектар майдонда пахтадан йўл ҳосил ештирилади. Жамоа аъзолари йиғим-терими кундан-кунга авж олдирмоқдалар. Теримчиларга барча шарт-шароитлар яратиб берилаётгани туфайли улар унумли меҳнат қилиб, режаларини анча ортиғи билан бажармоқдалар.

СУРАТДА: бригада далаҳарида терим пайти.

Ш. ЗУФАРОВ олган сурат.

• Бонг урамиз

АВВАЛО ШАРОИТ ЯРАТИНГ!

Бир қатор ҳўжаликларда ҳалигача дала шийпонлари ва ҳашарчилар яшайдиган бинолар таъмирланмаган

ВИЛОЯТИМИЗ пахтакор туманлари ҳўжаликларида 1032 та дала шийпонлари мавжуд. Уларни деҳқоннинг иккинчи уйи, деб таърифлаб келамиз. Пахта терими айни қизгин кунларда бу дала манзилгоҳлари янада гавжумлашиб кетади. Бонси, унда пахтакорларимизга ердамида чиққан ҳашарчилар ҳам дам олиб, маданий ҳордиқ чиқаришади. Айни шу билан бирга ҳашарчилар жойлаштириладиган бинолар ҳам мавсумга тахт бўлиши керак. Ҳўш, бутунни ахвол қандай?

Вилоятимиз туманларидаги айрим ҳўжаликларда дала шийпонлари ва пахта теримига четдан жалб қилинган ҳашарчилар жойлашадиган биноларни таъмирлаш ишлари талабга жавоб бермайди. Масалан, Бекобод туманидаги "Бекобод" ҳўжалигида 19 та дала шийпонидан фақат 2 таси, Янгийўл туманидаги Х. Турсунқулов номли жамоа ҳўжалигида 14 та дала шийпонидан 7 тасигина мавсумга тайёрланган, холос. Оқориччиқ тумани ҳўжаликлариде эса, ҳашарчилар яшайдиган 24 та бинодан бор-йўги 7 тасигина таъмирланган. Бўжа туманидаги Б. Умаров, Удубеқ номли

ва Пискент туманидаги "Навий" номли жамоа ҳўжаликларида ахвол бундан ҳам ачинари. Бу ҳўжаликларда дала шийпонлари ва ҳашарчилар жойлашадиган биноларни тайёрлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Томлари таъмирланмаган, деразаларга ойна солинмаган, ободонлаштирилмаган.

Дала шийпонлари ва ҳашарчиларнинг вақтинча қароргоҳларини ичимлик суви билан таъминлаш жиддий эътибор беришни тақозо этади. Вилоятимизда дала шийпонларнинг атиги 57 фоизигина водопровод суви билан таъминланганлиги жиддий ташвиш тугдирадиган ҳолидир.

Пахтазорларимизда йиғим-терим суръати кундан-кунга ошиб бораёпти. Ҳашарчилар ҳам далага отланишяпти. Шундай экан, юқоридеги нуқсонларни тезда бартараф этиш чора-тадбирларини кўришимиз, ҳашарчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча кулай шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Вақт кутиб турмайди. Ҳозирги ҳар бир сония олтинга баробар.

Х. НОСИРОВ.



СУРАТДА: учрашу пайти.

Д. Аҳмад сурати.

"СИЗНИНГ ФЕРМЕРЛАРИНГИЗ ҲАМ ҚОЛИШМАЙДИ..."

ГОЛЛАНДИЯ кишлоқ ҳўжалик мутахассислар делегациясига раҳбарлик қилган, шу мамлакатдаги "АЕС Холланд групп" компанияси раҳбари К. Альберс Тошкент вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувада шундай деди. Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Э. Рўзиев ўтказган бу учрашувада қатор туманларнинг ҳокимлари, ҳўжаликлар ва корхоналар раҳбарлари ҳам қатнашдилар.

Э. Рўзиев голландиялик меҳмонларга кишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг бозор иқтисодиетига ўтиш даврида юзага келатган муаммолар, савдо-сотиқчилик, жумладан, Голландия технологияси бўйича картошка ештиришда илгор технологияни жорий қилиш тўғрисида гапириб берди. Шунингдек, у кишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини олиб боришнинг янги бозор модели голландиялик мутахассислар ердамида пойтахт вилоятининг ҳўжаликларидан биринчи тажрибадан ўтказилиши ҳақида истак билдирди. Бу ерда бутун пиклин — маҳсулотни ештиришдан тўғри то уни сотишгача бўлган жараёнларни ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Учрашувада картошка ва бошқа маҳсулотни қайта ишлаш, саклаш ва идишларга жойлаштириш тажрибасига ҳам қизиқиш изҳор этилди.

(Давоми 3-бетда)

БУГУНГИ СОНДА ЎҚИНГ:

- ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ (2-бет)
- МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТ ПОЙ-ДЕВОРИ (2-3-бет)
- ҲЕЧ БИР ОИЛА ЕРДАМСИЗ ҚОЛМАЙДИ (4-бет)
- ФУТБОЛ МАЙДОНИДА — ҚИЗЛАР (4-бет)

• "Ҳосил — 94"

ЕРГА МЕҲР ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

Бўка туманидаги "Бўстон" хўжалигида тadbиркорликка, ишбилармонликка кенг йўл очилмоқда

БОШҚАРУВ биносида раисни кутиб ўтирган эдим. Идорага бир кекса киши кириб келди. Рухлари тетик, саломлашиб хол-ахвол сўрашдик. Атрофдагилар қарияни менга:

— "Бўстон" жамоа хўжалиги фахрийлар кенгашининг раиси Бойтўра ота Қўчқоров бўладилар. — дея тушунтиришди.

Икковимиз анча суҳбатлашиб қолдик. "Бўстон"нинг ўрни илгари чўл бўлганлиги, ешлар бригадалари тузилиб, ўзлаштирилгани, бу ҳудудда пахта, галла етиштириш борасидаги мушкулликлар тўғрисида ота хикояларини тинглаб ўтирдим.

У кишининг айтишларича "Бўстон" ўз фаолияти давомида кўп турлиниб турган. Хирмон-хирмон "оқ олтин" топшириб, юзи ерут бўлган кунлар ҳам, хар хил сабаблар билан оксаган йиллар ҳам унинг таржимаи ҳолига хос хусусиятлардир. Айниқса, бундан икки йил аввал хўжалик меҳнаткашлари кўп тармоқлар бўйича йиллик режани бажаролмай юзлари каттик шувут бўлиб қолганди. Шунда катта йиғилиш чақирилиб, қолоқлик сабаблари таҳлил этилди. Баъзилар бунга қадрлар айбдор дейишса, барибир бировлар ерга айб қўйиши. Шунда Бойтўра ота йиғилганлар олдига қисқача гапирди:

— Ерга айб қўймаглар, болаларим, — деди у. — Камчилики ўзимиздан кидирайлик. Неча йиллардан буён заминнинг парваршига эътибор қилмаганимиз. Алмашлаб экиш тўғрисидаги гаплар қозғала қилиб кетмоқда. Элда ерни алданганимиз ўзи алданади. — деган доно бир нақл бор. Энди ана шу хатолар тузатилади, яна ерут йўлга чиқиб оламиз.

Йиғилишда анча баҳслар, тортишувлардан кейин Юсуф Валиев раис қилиб сайланди. Ҳаётда бу нарсани кўп кузатишган. Кўпчилик ишончини оқлаш масъулияти инсон виждонига тинчлик бермайди. Юсуф ана шу ҳиссиетни раис бўлиб сайланган кунданок ўзида сезди. Ишга киришди. Бир вақтлари тонна-тонналаб хирмон уйган кекса отахонлар билан суҳбатлашди, уларнинг маслаҳатлари билан алмашлаб экиш агротехникасига риоя қилган ҳолда иш юритди. Айрим бригадалар раҳбарлари, ишчан, пахта, галла илмини пухта билган кўли қадок кишилар билан алмаштирилди. Сув йўллари узайтирилди. Дала меҳнаткашларига шарт-шароитлар яратилди.

Уша йили сувчилар ҳам, механизаторлар ҳам фидокорона ишлашди. Далаларда ҳосил мўл бўлди. Биргина пахта эмас, галла, сабзавот, чорвачилик бўйича йиллик режалар орғиги билан бажарилди. Дала миришкорларининг кўли пул қўрди. Даромад баракали бўлгандан кейин хўжалик кифаси ўзгарди борди.

Яқинда биз ана шу хўжаликда раис, деканлар, чорвачилар билан суҳбатлашдик. Йил сайин рўзғори катталашиб бораётган "Бўстон"ликлар 2335 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Шундан 1010 гектари пахта, 918 гектари бошоқли дон, 109 гектари шоди. Бундан ташқари сабзавот, картошка, полиз, еренгок, мева етиштирилади. Шуларга қўшимча 4 гектар теракзор, 4 гектар майдонда эса супурги экилди. Биз ракамларни бежиз санаётганимиз йўқ. Хар бирининг заминиди эл-юртини. бола-чақасини ўйлаган юзлаб кишиларнинг фидойи меҳнати мўжассам. Иш ўнгидан келса дала кишининг дилида чирок енади, егани татийди, хонадонда рўшнолик бўлади, деҳқоннинг рости экан. Бу йил ана шу билан руҳ бўстонликларга ҳамроҳ. Хўжаликда пилла топшириш режаси 130 фоиз бажарилди. Сабазот ўтди йили 107 эди, бу йил III фойзини ташкил этди. Давлатга топширилган галла 1168 тоннадан ошди ва режа орғиги билан адо этилди. Полланд ҳам дуруст ҳосил олинди. Хўжалик Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Тошкент шаҳрининг турли бозорларига, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб беришга сармоллик ҳисса қўйди.

"Бўстонда" чорвачилик ҳам оёққа туриб олди. Хўжалик фермасида 470 бош қоромол парвартирилмоқда. Сигирлардан шу кунгача 140 тонна сут соғиб олинди. Шуниси қувончлики, фермада яратилган шарт-шароитлар, моллар зотдорлигини яхшилаш туфайли маҳсулдорлик орғиб бормоқда. Утган йилнинг шу даврига нисбатан 50 тоннадан

зиед сут соғиб олингани бунинг яққол далилидир.

Тармоқларнинг фойдали соҳага айланиши даромадини йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Бу эса кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, турмуш маданиятини юксалтиришга кенг йўл очади. Хўжаликда 120 киши пенсия олмақда. Аҳолининг ночор, кам таъминланган қисмига мунтазам ердан бериб келинмоқда. Кейинги икки йил мобайнида "Бўстон"да газ тармоқлари 7 километрга узайтирилди, мавжуд II та қудуқ енига яна битта қудуқ қўшилди, 4 километр йўл асфальтланди. 64 хўжалик учуви ер участкаси ажратиб берилди. Мактаб, 6 та боғча, даволаш масканлари, 4 та чойхона, истироҳат боғи, клуб меҳмонхона, ўйингоҳ, 2 та кутубхона аҳоли хизматида. Бу йил тегиригор, лимонарий фойдаланишга топширилди. Аҳолига қудайлик яратиш мақсадида, мол бозори очилди.

— Ижтимоий муҳофаза, маданий юксалиш йўналишидаги ҳаракатлар кишилар кайфиятини кўтармоқда. Уларда мустақил она-юртимизга садоқат, меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтириб, меҳнатда янги зафарларга чорламоқда. Бу албатта, хўжалигимизда амалга ошириладиган ислохотлар самарасидир, — дейди раис. — Биз бу йил давлатга 2,5 минг тонна пахта, 3 минг тонна сабзавот, 450 тонна картошка ва бошқа маҳсулотлар топшираемиз. Ҳозир бутун куч-гайратимиз ана шу режаларни бажаришга қаратилган.

Айни пайтда хўжаликда тadbиркорликка кўпроқ эътибор берилди. Малакали мутахассис Сайидмаат Баирдиқонов тижорат бўйича масъул қилиб тайинлангандан буён хўжалик Россия, Белоруссия, Қозғоғистон, Тожикистон билан яқиндан алоқа боғлади. Маҳсулотлар, буюмлар, чорва моллар олиб келиш учун мол алмашув усулидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Яқинда Тошкент машинасозлик заводидан "Бўстон"ликлар 19 та пахта териш машиналарини сотиб олдилар. Илгаридан тузилган шартномага мувофиқ Белоруссияга полиз маҳсулотлари жўнатилиди, у ердан эса тикув машиналари олиб келинади ва кичик қорхона очилади. Хўжалик Япониядан харид қилган автобус, "Нива" энгил машинаси аҳоли хизматида. Бу йил сотиб олинган бир неча тракторлар, алмашув усули билан келтирилган 2 та комбайн ҳам техника паркни бойитди.

Шу кунларда "Бўстон" жамоа хўжалиги меҳнаткашлари республика Вазирлар Маҳкамасининг "1994 йилги пахта ҳосили йўғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни асосда мавжуд техникани етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб олишга тўлиқ қўйилди. Мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун механизаторлар малакаси оширилди. Пахтакорлар ҳукумат қарори билан батафсил таъиништирилдилар. Бу ҳужжатда қайд қилинганideк, икки қаторлик пахта териш машинаси билан терилган 1 тонна пахта учун 8 сўм, тўрт қаторлик машинада терилган 1 тонна пахта учун 6,5 сўмдан ҳақ тўлаш жорий қилинди. Қўл теримчилари 1 килограмм пахта учун қамиди 40 тингидан оладиган бўдилар. Теримда банд бўлганларга 5 еки 10 қудда ҳақ тўлаб борилади.

— Бу қарорда дейди Ю. Валиев, — давлат буюртмасидан орғичка ишлаб чиқарилган пахта толасининг (топшириқдагининг) 33 фоизи ва топшириқдан орғичқасининг ҳаммаси) эркин бозор нархлари бўйича хўжаликлар томонидан сотишга рухсат берилгани эътиборга лойиқдир. Энди сифатли ва мўл ҳосил етиштирган хўжаликнинг бағрига шамол тегиши аниқ. Ҳўқуматимизнинг бундай тамхўрлигига биз амалий жавоб берамиз.

"Бўстон"да бутунги кунда ана шу шижоат сезилмоқда. Пахтакорлар кўл теримини ажв олдириб юбордилар. Дастлабки тонналар хирмонларга тўқилмоқда. Олинди эса эркин мақсад турибди. У ҳам бўлса режани орғиги билан бажариб, хўжалик даромадига даромад қўшиш, кишилар фаровонлигини оширишдир.

С. ҲАСАНОВ.



«СОҲИБКОР» НЕЪМАТЛАРИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги "Соҳибкор" ишлаб чиқариш корхонаси пойтахтимиз бозорларини сархил мевадар, полиз маҳсулотлари билан тўйдиришда муносиб улуш қўшишмоқда. Корхона меҳнаткашлари 218 гектар олжозор, олхўрзор, 66 гектар узумзорда мўл ҳосил етиштиришди. Боғларни парвартиришда А. Абдуқосимов, Ф. Абдураимов бошлиқ бригадалар алоҳида намуна кўрсатдилар. Яқинда "Соҳибкор"да консерва цехи фойдаланишга топширилди. Мазкур цехнинг мева қўритиш бўлимида эса дастлабки маҳсулот олинди. Суратларда: (чапдан ўнғига) боғбон Мирхайит Мирсаидовни кўриб турибсиз; мева қўритиш цехи бошлиғининг ерданчи Абдуманноб Сафаров ишчилар билан қўритилган маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; миришкор деҳқон Тўғонхўжа ота (ўнғидан ақкинчи) фарзандлари билан етиштирган тарвузлар тилин бергудек ширали.

Шухрат МУЛЛАЕВ олган суратлар.

• Хўжалик раҳбари мулоҳазалари

ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛДИ, ЭНДИ ИШЛАШ КЕРАК

МАЪЛУМКИ, илгари ҳамма ишлар юқорининг топшириги билан амалга оширилар эди. Энди-чи? Шухр. эркимиз ўз қўлимизда. Қанчадан-қанча чор-ҳўқимиз ва имтиязларга эгамиз.

Ҳамма-ҳаммаси истиқлол шарофатидан. Меҳнаткашларимиз ҳаётини яхшилашга биринчи галда эътибор берилмоқда. Ҳозирда хонадонларимиз тўлиқ газлаштирилди. Кўчаларимиз асфальт. Хар бир хонадонда тоза ичимлик суви мавжуд ўтган уч йил мобайнида Қорасийроқ қишлоғида 90 ўринли ҳамда "Қуштамғали" қишлоғида 140 ўринли 2 та болалар боғчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактабларда қўшимча сифхоналари қуриб, кенгайтирилди.

Аваллари жамоамиз аъзолари озик-овқат маҳсулотларини туман марказидан олиб келишарди. Эндиликда уларнинг узогни яанга бўлди. Хўжалик ҳудудидаги янги қурилган 2 та гўшт дўқони, салқин ичимликлар сотиладиган дўқон, 2 та сартарошхона аҳоли хизматида. Шунингдек, 300 тонна сабзавот сақланадиган омборхона қурилиши ҳам нийозига етади, деб қолди.

Бугунги кунда ешларни иш билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири. Биз бу муаммони хал этиш мақсадида қатор кичик саноат қорхоналари қуришни режалаштирганимиз. Бугунги кунда тўла қувват билан ишлаётган гиламчилик, қулоччилик, тикуччилик цехларида ешларимиз меҳнат қилмоқдалар. Улар томонидан тўқилаётган

чиройли гиламлар, сопол, чойнақлар, пиёлалар, қосалар, дид билан тикилган болалар кийимлари, кўрпа-естик жилдларини халқ ектириб харид қилмоқда.

Хўжалигимизда иморат қураётган еш оиналар жуда кўп. Уларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлабқош цехи қуришмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар қорн-қолимизга ярамоқда.

Хўжалигимизда уч йилдан бери барча соҳаларда ўсишга эришяпмиз. Келгуси режаларимиз янада улкан. Биз келажакда хўжалигимиз марказида ҳаммом, новвойхона қурилишини бошлаймиз. Боғларимизни кенгайтириб, 25 гектар майдонда янги боғ барпо этамиз.

Хўжалигимиз маъмурияти меҳнаткашлар манфаати йўлида барча ички имкониятларни ишга солмоқда. Жумладан, аъзоларимизга озик-овқат маҳсулотлари арзон нархларда сотилмоқда. Гўшт, пахта еги, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, гуруч, ун таъминотидан барча мамнун. Тўй, маърака ўтказадиганларга зарур маҳсулотлардан ташқари матоларгача бераймиз.

Рўзғоридан кўнгли тўқ меҳнаткашларимиз далаларда фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар. Эзгу мақсадлари — Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўиши.

Ф. МҶМИНОВ.

Оҳангарон тумани, Навоий номи жамоа хўжалиги раиси.

• Ўзбекистон — Голландия

"СИЗНИНГ ФЕРМЕРЛАРИНГИЗ ҲАМ ҚОЛИШМАЙДИ..."

(Боши 1-бетда).

Учрашувда иштирок этган мутахассислар картошканин голланд навларини экиш ва Голландия технологияси асосида шундай маҳсулот етиштириш бўйича деярли уч йил давомида орттирилган иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Чунотчи, Юқоричирик туманидаги Аҳмад Яссвий номи жамоа хўжалиги раиси А. Машақов Голландиянинг "Диамант" навли картошқаси хўжалигининг 120 гектар ерида етиштириётганини хақида гапирди берди. Фақатгина Голландиянинг уруғлик картошқаси ишлатилмасдан, унинг кишлоқ хўжалик машиналари, захарли химикатларидан ҳам фойдаланилмоқда. Хўжалик янги технология асосида ишлаган биринчи йил — 1991 йилда 9 миллион сўм соф фойда олди. Ҳатто, хавонинг емон келиши оқибатида деярли барча ҳосил нобуд бўлган 1992 йилдан ҳам Голландия картошқаси арзон майдонлар хўжалик жонига оро кирди. Деярли 4 миллион сўм фойда келтирди. Шунг қарамай, деди А. Машақов, агар Голландия томонидан уруғлик картошқани барвақтор етказиб берганда даромад янада кўпроқ бўларди.

— Биз ҳам сизлардан яхши сабоқ олдик, — таъкидлади К. Альберс. — Энг асосийси биз бир-биримизга ишонмоқдамиз. Биз ҳам барча муаммоларни хал қилишга бажонудил ердан берамиз. Эндиликда ҳаммамиз бир қайишга ўтириб, биргаликда эшқак эшяпмиз...

Голландиялик мутахассислар ўзбекистонлик фермерларнинг тажрибаси қатта ва ишлашга иштиққлари зўрлигини алоҳида таъкидладилар. Бирок уларнинг ҳисоблашларича, бизнинг фермерларимиз хали ҳам бозор учун ишлашга қуниқибганча йўқ. Шу сабабли кишлоқ меҳнаткашлари учун соф кишлоқ хўжалик илмининга эмас, шу билан бирга иқтисодий таълим дастурларини ҳам ўргатиш лозим. К. Альберс голландиялик фирмалар ўзбекистонда сармисоқлиезни қайта ишлаш ва идишларга жойлаш учун линия олиб келганини айтди. Эндиликда бу маҳсулотни хатто Европада ҳам етказиб бериш мумкин бўлади. Шуниси диққатга сазоворки, бу линиянинг ишта тузирилиши маҳсулотни қайта ишлашда исроф бўлишини 20 фоизгача қамайтиради.

— Гарба харидор маҳсулотнинг ташки қўринишига, идиши ва нархига эътибор беради, маҳсулотнинг қаердан келганлигига ҳам бефарқ қарамайди. Эндиликда эса сармисоқлиез пивез Европа стандарти бўйича қайта ишлангандан кейин Европада ҳам сотилиши мумкин. У Европада биз сиздан харид қилиб олаётган нархта нисбатан тўрт баробар қимматдир. — ўзининг тижорат сирлари билан ўртоқлашди К. Альберс ва агар бизнинг фермерларимиз ҳам шунги ўрганиб олсалар муваффақиятли ҳаракат қилишлари мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон фермерларини хўжалик юртишнинг янги усулларига ўргатишнинг кўргазмали воситаларидан бири "Кичик Голландия" лойиҳаси бўлади. "АЕС Холланд групп" уни амалга оширишга киришди. Шу лойиҳага мувофиқ Тошкент вилоятига 2 та голланд фермери оинаси қўчиб келади, улар ажратилган 300 гектар ерда ўзлари ўрганган Голландия намунаси бўйича янги фермалар ташкил этадилар. Унинг лойиҳасини "АЕС" маблаб билан таъминлайди. У юздан ортик Голландия фермерлари билан уруғлик картошка етказиб бериш юзасидан шартнома тузди. "Кичик Голландия" 1995 йилнинг май ойидаёқ бизнинг давлатимизга дастлабки маҳсулотни сотишни режалаштирган. Улардан картошқани жажон нархлари билан сотиб олиш режалаштирилган. Шундай бўлса ҳам у Белоруссия еки Польшадан бундай маҳсулот сотиб олишга қараганда арзонга тушади. Энг муҳими, янги фермалар барча тоифадаги кишлоқ хўжалик мутахассислари учун яхши мактаб бўлиб хизмат қилади.

БОҒЧА, ФИТОБАР...

ҲОЗИРГИ шардаги иқтисодий қийинчиликларга қарамай Ангрена ижтимоий хизмат кўрсатувчи жойлар қурилиши давом этмоқда.

Чунотчи, республикамиз мустақиллигининг уч йиллик кўни арафасида қатор муассасалар фойдаланишга топширилди. Жигаристон қўрғонига янги, замонавий болалар боғчасининг салобатли биноси тўла қўлдан чиқарилди. У 240 ангреник ўғил-қизларни бағрига олади. Унинг очилиши тантананага айланиб кетди. Айниқса, ўй-рўзгор ишлари билан банд бўлган аёлларнинг хурсандчилиги чексиз эди. Энди унлаб шундай хотин-қизлар ҳам яратувчилик меҳнати билан шугулланиши имконига эга бўлади.

Яна бир объект-фитобар ҳам беморларга хизмат қила бошлади. Бу ерда доривор ўсимликлардан тайёрлаган турли дармондорилар, шарбатлар ангрениклар саломатлигини мустаҳкамлашга ердан боради.

М. МАҲМУДОВ.

БОШҚАРАДИ?

бошқа маъмурий жойларда бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қила олади. Аҳолига савдо ва коммунал маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга қўмақлашди, бу маҳаллада тегишли ҳудудда жойлашган қорхоналар ва ташкилотлар тақдим этган молдин ва бошқа маблағлардан фойдаланади.

Модерники, маҳалла оксоқолига шунчалик имкониятлар яратилаётган экан, энди элу юрти учун қанчалик қайғуриш, ташаббусқорона меҳнат қилиш уларнинг ўзларига ҳавола. Юқориди номлари зикр этилган қонулар қабул қилинганидан буён маҳалла оксоқоллари учун епик эшик қолмади. Фуқаролар, манфаатларини қўлаб маҳалла оксоқоли қайси ташкилот е идорага бораркан, тегишли раҳбарлар, мутасадди ходимлар "лаббай" дея жавоб бериб, имкон қадар уларга амалий ердан кўрсатишмоқда.

Шу ўринда бир муҳим мулоҳазани ҳам айтиб ўтиш жоиз. Маҳалла оксоқоли — ўз фуқаролари, маҳаллодошлари

билан биргаликдагина ўз мавқеига эга бўлиши мумкин. Унинг ҳурмати жойига қўйилган, хар томонлама қўлаб-қувватланган, қўмақ берилган тақдирдагина чинакам раҳбар бўла олади. Яъни маҳаллада истиқомат қилувчи хар бир онгли инсон маҳалла оксоқолини ўз йўлбошчиси деб эътироф этиши, шунга яраша муомала қилиши тақозо этилади. Қайсики, маҳаллада оксоқолининг эътибори балинд бўлса, ўша маҳаллага нисбатан ўзгалар муносабати ҳам кўнглидагидек бўлиши табиий.

Бу ўринда маҳалла оксоқолининг чинакам ҳақ-хўқуқлари қадим замонлардан бери табиий равишда шаклланиб келганини ҳам эътироф этиш зарур. Маҳаллада оксоқол учун "беғона" хонадон е "нотаниш" қимса бўлмаган. У ҳеч қимга ўзгача назар билан қарамаган. Шунинг учун ҳам у исталган хонадонга бемалол эшик қочиб кириверган. Маҳаллодошлар билан деярли сирдош, ҳамфирқ бўла олган. Оиладаги муаммоларни хал этишга бемалол киришиб кетаверган. Ота-бола е қайнона

келин муносабатларими, бирор хонадонда носоглом муҳит пайдо бўла бошлаганими, хуллас, оилалардаги оддий икки-чиқирларгача бафуржа қизикиб, ўрганиб, сўнг ўз муносабатини билдириб, зарур бўлса, амалий ердан берган.

Қадимдан маҳалла оксоқолининг ҳақ-хўқуқлари шу тарзда шаклланиб келган. Шунинг учун ҳам оксоқолининг айтгани айтган, дегани деган бўлган. Ҳозирги пайтда ҳам маҳалла оксоқолининг ана шундай табиий муносабатлари ҳаётда ўз ақсини топтоғи жоиз. Қайси хонадонда қимлар яшайди, нима иш билан шугулланади, қайси фарзанди нимага қодир, оила муҳити қай даражада, қандай муаммолари бор — хуллас, ҳаммасини оксоқол яхши билимоғи зарур.

Қимдир янги иморат қуриш тараддуудида, бошқа биров тўй қилиш ташвишида, яна қим эшик қочиб кириверган. Маҳаллодошлар билан деярли жўнатиб ҳаракатиде, биров қизига келатган совчиларни кутиб олиш илинжида... Хуллас, хар бир оиланинг ўзига яраша ташвиши бисер. Маҳалла

оксоқоли бўлса ҳамма ана шу ташвишларга шерик. Ҳашар уюштириш борми, биронинг тўйи е бошқа маърақасини ўтказишни, ҳамма-ҳаммасига бош-қош!

Маънавиятни ҳеч қачон из, огирлик ўлчови ва на узунлик ўлчови билан ўлчаб бўлмагани каби, маҳалла оксоқолининг вазифалари ҳақ-хўқуқларини ҳам бирма-бир санаш, таърифлаш қийин. Зотан, оилада отанинг ўрни ва роли қай даражада бўлса, маҳалланинг отаси — оксоқолининг ҳам ўша маскандаги нуфузи, мартабаси шунча юқори.

Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви ташкил этилганидан сўнг шаҳардаги туманларда ҳам унинг бўлиналари таркиб топди. Барча маҳаллалар рўйхатга олинди, муаммолари билан атрофлича танишиб қилинди. Илгари маҳалла ҳаракатидан четда қолган кўп қаватли уйларида ҳам йнги ўтказилиб, маҳаллалар ташкил этилди.

Муаммоларни хал этишда

маҳаллалар ишини янада жонлантиришда фаолларнинг хизмати қанчалик муҳим ўрин тутиши яхши маълум. Эро ҳамиша халқ билан, турли-туман одамлар билан бақамти ишлашининг масъулиятини яхши англаган тушунган, эъли ки-шлар, кўпни қўрган отахонлар, шижоаткор ва уddaбурон хотин-қизлар ана шундай эзгу ишларга жабл этилди. Маҳалла оксоқолигига, унинг маслаҳатчилари вазифаларига энг муносиб кишилар танлиниб сайландилар. Шунингдек, "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўлиналари бошқаруви раҳбарлигига ҳам муносиб кадрлар тайинланди.

Режали иш — келтирмас ташвиш, деганларидек шаҳар жамғармасининг йиллик, чорак ва ойлик режалари аниқ ва пухта ишлаб чиқилди. Унда барча туманлар фаолияти кенг қамраб олинди. Жамгармининг туман бўлиналари ҳамма маҳаллалар билан узвий алоқада фаолият қўрсатиши шарт. Маҳаллаларнинг молиявий — хўжалик ишларини ривожлантириш, кичик қорхоналар ташкил этиш, одамларни иш билан таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий



Саволларга жавоб берамиз

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болали оқаларга давлат ижтимоий ердми тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ҳақиқатан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида...


бир йўла тўланган нафақа агар бола тутилганда кейин 6 ой ичда нафақага мурожаат этсагина тўланади.

ОИЛАЛАРГА ИЖТИМОЙ ЁРДАМ

Ҳужжатлар тақдим қилинади. Яшб турган жойидан маълумотнома фақат бир йилга, яъни шу йилга ҳақиқий деб ҳисобланади.

нафақасини олаётган онанинг боласи 2 ёшга, ҳар ойлик нафақани олаётган бола 16 ёшга тўлганда, болани болалар муассасаларига тўлиқ давлат таъминотига жойлаштиришда...

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт



БИЛЬЯРД — ОММАБОП ЎЙИН

Тошкентдаги Бобур номидаги боғда бильярд спорти бўйича Ўзбекистоннинг очик биринчилиги бўлиб ўтди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Тошкент Давлат аграр дорифундуни ўйингоҳида халқаро миқёсдаги спорт устаси, машҳур футболчи Михаил Ан хотира соврини учун ташкил этилган мусобақанинг финал ўйини бўлиб ўтди.

МЕХНАТ РЕЗЕРВЛАРИ

спорт комплексида Ўзбекистон Қуроли кучлари соврини учун юздан зиёд чарик қўлқоп муҳлислари беллашди.

ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРИНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Футбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма командаси ҳам халқаро майдонга чиқди. Қизларимиз Мадорас шаҳрида Ҳиндистондаги Тамилнад штатининг биринчи вазири Фалвалата хоним таъсис этган аъъанавий кубок мусобақасида муваффақиятли иштирок эттишти.



РАЗОЛАТ

Азалдан андишали халқ эмасми, бировнинг бошига тўшган кўргуликларда кулишни ўзимизга эл кўрмаймиз, худо ҳеч банасининг бошига шу саволарни солмасин, деймиз.

Жинойтга жазо муқаррар

«Амалдорлик шароити»дан сарҳуд Авазининг худки ҳокимликда муҳомада қилинмади. Эҳтимом, би-лишмаганим, персон? Бегона эл билан кўлтиклашиб, қонуний хотинини кўча-кўйда қотқок қилиб тепалимо, билишмайми. Агар у ўз лавозимидан олиб ташланганда, қаттиқроқ жазо берилганда, бурнига сув кириб, кўзи очлариди, дахшатли фожиа рўй бермасиди...

Муассар эҳтимом рашк қилгандир. Эҳтимом, юрак-бағри куйиб, жанжал қилгандир. Чунки, Аваз фаршталек оппоқ, мусичадек беозор эмасди. Шунга қарамай жаҳолатга берилди, ноҳақлигини тан олмади, Естиги остидан пичоқ олиб, хотинига ташлади.

Касалхонада ўзини овқатдан тийиб етиши анчайин вазнини ташлашга ердан берганди. Бирок унга келганда иштаҳани тўхтатиб тура олмади: еглик, қовурилган овқатларни паққос туширавериб, яна этига эт қўйиша болиди.

АЖДАҲО КОМИДАН...

Непалнинг жанубидаги қишлоқлардан бирида яшовчи тўққиз ешли киз бахтли тасодиғ туфайлигина тўрт метр келадиган пилонга ем бўлишдан сақланиб қолди. Ҳамқишлоқлари етиб келишганда бечора кизнинг ярим улкан илон оғзига жо бўлган эди. Хайрият, кизалоқни қутқариш мумкин бўлиди.

БИР ЁНДА КАПАЛЛАР...

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида галати кўрғазма очилди. Бу ерга мингдан ортиқ капалак ва Мао Цзэдун билан Англия кирилоқчисининг суратларига ўхшаб кетадиган расмлар туширилган мрамар коллекциялар қўйилган.

TOŠKENT HAQIQATI TOŠKENT HAQIQATI. Муассис: ТОŠKENT ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ. Мухаррир: Фатхиддин МУҲИДДИНОВ. Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 33-40-48, 33-99-15, 32-57-27.